Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

6 июнь 1972 йил, сешанба ◆ № 131 (15.302). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР—50

ҚОЗОҒИСТОН ХАФТАЛИГИ

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ГАЗЕТАМИЗДА ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ АНЪАНАВИЙ ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНАДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА ҚОЗОҒИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШДАГИ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ, УЛАРНИНГ МАДАНИЯТИ ВА ТУРМУШИДАГИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР, РЕСПУБЛИКА РАВНАҚИ ВА ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

БУХОРО ОБЛАСТИ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бухоро областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди-нинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари, 3 июнда бажардилар. Ватан 2460 тонна юқори сифатли пилла олди. Харид плани 102 процентдан зиёд бажарилди.

Қоракўл, Ғиждувон, Шофрикон, Ромитон, Свердлов ва Вобкент районларининг колхоз ва совхозлари пилла тайёрлаш планини областда биринчилардан бўлиб муваффақиятли бажардилар. Бухоро, Қизилтепа, Навоий ва Когон районларининг пиллачилари планнинг муддатидан илгари бажарилишига салмоқли эътибор қўшдилар.

Бухоро областининг пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 600 тонна пилла топширишга қарор қилдилар. Бу илгари зиммага олинган социалистик мажбуриятдагидан 350 тонна кўпдир. (ЎзТАГ).

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Наманган область меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитети сўнгги Пленумларининг қарорларини ҳаётга тадбиқ қила бориб ҳамда СССР ташкил топганининг 50 йиллик «олтин тўйи» шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб пилла сотиш йиллик давлат планини муддатидан олдин — 3 июнда бажардилар. Она-Ватан 2062,5 тонна юқори сифатли пилла қабул қилиб олди. Пилла сотиш плани 100,2 проент бажарилди. Задарё, Учқўрғон, Тўрақўрғон районларининг колхоз ва совхозларида пилла тайёрлашда катта ютуқларга эришилди. Поп ва Наманган районларининг пиллакорлари ҳам давлатга пилла сотиш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажардилар.

Зафар қучган Наманган областининг пиллакорлари ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, давлатга яна 300 тонна пилла топширишга қарор қилдилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Жонажон партиямизнинг XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Сурхондарё область меҳнаткашлари СССР ташкил топганининг 50 йиллик «олтин тўйи» шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб давлатга пилла сотиш йиллик планни муддатидан илгари — 3 июнда бажардилар. Она-Ватан омборларига 721 тонна юқори сифатли пилла топширилди. Пилла сотиш плани 100,2 процент адо этилди. Жарқўрғон, Термиз, Шўрчи, Гагарин ва Денов районларининг колхоз ва совхозларида пилла тайёрлаш топшириғи муваффақиятли бажарилди.

Область пиллакорлари ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, давлатга яна 80 тонна пилла етказиб беришга аҳд қилдилар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати ташкил топган кунининг уч йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг Раиси Доктор Нгуен Хиу Тхога, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг Раиси доктор Хюинь Тан Фатуга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади: Жанубий Вьетнам халқи миллий озодлик фронти Марказий Комитети ва муваққат революцион ҳукумат раҳбарлигида жанг қилиб, империалистик агрессияга қарши, ўз ватанини озод қилиш учун қаҳрбий, сиёсий ва дипломатик курашда янгиданяги ғалабаларга эришмоқда. «Вьетнамлаштириш» сиёсатига ва бу сиёсатни амалга ошириш қуроли бўлган қўғирчоқ Сайгон режимига қаҳратшгич зарбалар берилмоқда.

Совет кишилари Жанубий Вьетнам халқининг мардона курашини ифтихор ва хурсандлик билан кузатиб турибдилар, Қўшма Штатларнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини қатъиян қораламоқдалар, бу агрессиянинг дарҳол тўхтатилишини, ана шу райондаги халқларга ўз тақдирини ўзлари ҳал этиш имконияти берилишини талаб этмоқдалар. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи, деб таъкидланади телеграммада, вьетнамлик қардошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Ҳинди-Хитой халқларининг озодлик йўлидаги ҳаракати ғалаба билан тугалланишига шак-шубҳа йўқ. (ТАСС).

СУРАТДА: Қозоғистон ССР пойтахти — Олмаота шаҳридаги республика Министрлар Совети ва Қозоғистон Компартияси Марказий комитети жойлашган бино. Б. Клипиницер ва С. Метелиц фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Динмуҳаммад КУНАЕВ,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

◆ ◆

Кўп миллионли меҳнаткашлар оммасининг хоҳиш-иродаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузилган 1922 йилнинг декабрь ойи тарихда мангу сақланиб қолади. Бу воқеа ленинча миллий сиёсатнинг ғоят катта ютуғи ва самарали натижаси бўлди. Совет республикаларининг ССР Иттифоқига ихтиёрий бирлашуви мамлакатимиз халқларининг қардошларча актив ҳамкорлик қилишини таъминлади. Бу ҳамкорлик жуда оғир синовларга бардош берди ва социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг буюк афзалликларини, кўп миллатли Советлар мамлакати куч-қудрати ва бузилмаслигини бутун дунёга намойиш қилди.

Ленин партияси халқларнинг эски замондач мерос бўлиб қолган сиёсий, иқтисодий ва маданий тенгсизлигини тезроқ бартараф қилиш учун ҳамма чораларни кўрди. Бизга бу йўлни Владимир Ильич Ленин кўрсатиб берди. Россиянинг илгари эзилиб келган халқлари тўғрисида В. И. Ленин кўрсатган жуда катта ғамхўрлик янги дунёни барпо қилишдаги кўп қиррали революцион жараённинг ҳамма жиҳатларида — миллатлар ўртасидаги муносабатларда, давлат қурилиши ва партиявий қурилишда, экономикада, маънавий ҳаётда ўз ифодасини топди.

Совет Қозоғистонининг ҳозирги вақтда қўлга киритган ҳамма бойлиги ва шон-шуҳрати Ильичнинг номи билан, Коммунистик партиянинг ғолибона ишлари ва зафарлари билан чамбарчас боғлангандир.

Қозоғистон республикасини тузишга тайёргарлик Ленин раҳбарлигида, Коммунистик партия ва давлатимизнинг кўпгина етоқли арбобларининг бевосита иштирокида олиб борилди. Қозоғистон республикаси совет халқларининг қардошлик иттифоқига тенгқурлар орасида тенгқур бўлиб кирди.

Илгари эзилиб келган халқларнинг, шу жумладан қозоқ халқининг ҳам иқтисодий ва маданий тенглигига эришиш осонлик билан жўнгина рўй бермади. Бунинг учун миллий ўлкаларнинг саноатини имкони борича тезроқ ривожлантириш, миллий ишчилар синфини камол топтириш, кенг оммани социализм қуришга актив жалб этиш керак эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати эўр ғайрат билан кўрган чора-тадбирлар туфайли бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлар экамиз, шуни ифтихор туйғулари билан қайд қиламизки, Қозоғистон қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик ўлкасидан тарихан қисқа муддат ичида экономикаси ва маданияти юксак даражада ривож топган ва гуллаб-яшнаётган социалистик республикага айланди. Мамлакатимиздаги барча халқларнинг ва аввало, оғамиз ва дўстимиз — улуғ рус халқининг беғараз берган ғоят катта ёрдамининг ажойиб самаралари ана шу зафарларда мужассамланди.

Қозоғистон республикаси эндиликда умумиттифоқ миқёсида қазиб чиқарилаётган кўмир, темир рудасининг, эритилаётган пўлат ва қора металлар прокатининг, қўрғошин, мис, титан, химия маҳсулотларининг талай қисмини етказиб бермоқда. Қозоғистон саноати тўққизинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилди.

Қозоғистоннинг косибчилик корхоналари Октябрь революциясига қадар Россия саноат маҳсулотининг ҳатто бир процентига етар-етмас қисмини тайёрлаб берган бўлса, эндиликда республикамиз ўзининг ишлаб чиқариш қувватлари жиҳатидан Совет Иттифоқида учинчи ўринга чиқиб олди, муҳим кўрсаткичлар жиҳатидан Ғарбий Европа ва Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўпгина мамлакатларидан ўзиб кетди.

Сўнгги йилларда Қозоғистон экспорт қилаётган товарларнинг умумий ҳажми қариб икки баравар ошди. Ҳозирги вақтда республика маҳсулоти жаҳоннинг етмишдан кўпроқ мамлакатларига жўнатилиб турибди. Машиналар, ускуналар, асбобларни экспорт қилиш кўпайди, бу эса ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва маданияти тез ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Биз тамомила янгиланган ва биринчи марта барпо этилган шаҳарларимиз билан, уларнинг қудратли индустрияси ва юксак маданияти билан фахрланамиз, қўриқ ерда ташкил этилган совхозлар ва колхозларимизнинг яхши ишлаётганлиги билан, янги автомобиль, темирйўл, ҳаво йўли ва дарё трассалари билан, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган қозоқ қишлоқлари ва овуллари билан фахрланамиз.

Биз босиб ўтилган йўлнинг ҳар бир босқичида барча совет халқларининг қардошларча мадад ва ёрдам бериб турганлигини ҳис қилдик. Шу ўлканинг кўп миллатли оиласи улуғ революцион қардошлик қонунларига амал қилиб, гражданлар уруши йилларидаёқ қозоқ халқига Октябрь ғалабаларини интервенциячилардан, оқ гвардиячилардан, буржуа миллатчилардан ҳимоя қилишда ёрдам берди. Қозоғистоннинг ўғил ва қизлари машҳур Чапаев дивизияси сафларида руслар, украинлар, татарлар билан елкама-елка туриб, мардларча жанг қилдилар. Турли миллат вакиллари Алиби Жонгильдин отрядида Қизил байроқ остида тўпланишди. Бу отряд В. И. Ленин топшириғига биноан Каспий бўйи чўлларидан мисли кўрилмаган жанговар юриш билан ўтиб, Актюбинск фронтига қурол-яроғ етказиб берди.

Халқлар дўстлиги тинч социалистик қурилиш даврида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Машҳур Турксибни барпо қилиш ва Балхашда мис гигантини қуриш, Мирзачўлни забт этиш ва Ленинногорск конларини очиш, Эмба нефтчиларининг Озарбайжонга ва Қарағанда кончиларининг Украинага

(Давоми иккинчи бетда).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш бўйича мажбуриятларини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

Бухоро области (область партия комитетининг секретари Қ. Муртазоев, область ижроия комитетининг раиси Ш. Хайруллаев, область комсомол комитетининг секретари И. Бўриев, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи А. Раҳимов).

Наманган области (область партия комитетининг секретари А. Хўжаев, область ижроия комитетининг раиси И. Усмонхўжаев, область комсомол комитетининг секретари Т. Жўраев, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи Н. Қосимов).

Сурхондарё области (область партия комитетининг секретари Н. Муродов, область ижроия комитетининг раиси А. Каримов, область комсомол комитетининг секретари Т. Менглиев, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи У. Мустафоев).

ПИЛЛАЧИЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДА

Қоракўл районининг пиллачилари мажбурият ҳам бажарилди, деб рапорт бердилар. Улар 281 тонна пилла топширдилар. Район меҳнаткашлари мажбуриятдан ташқари яна 40 тонна пилла тайёрлашга қарор қилдилар.

* * *

Ленинград районининг пиллачилари давлатга 620 тонна пилла топширдилар ва йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Улар ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 79,4 килограмм пилла олдилар. Район меҳнаткашлари давлатга пландагидан ташқари 143 тонна пилла топширишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОҚҚУРҒОН районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида вахтачилик ишлари тобора механизациялаштирилянти. Бригада ва бўлим бошлиқларининг деярли ҳаммаси турли агрегатларни бошқаради. Суратда: 40 центнерчи бригада бошлиғи А. Сулаймоновни ўзи сифатли парваришдан чиқарган ғўзаларни кўздан кечираётган пайтда кўриб турибсиз.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 5 июнга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан бўён.

БУХОРО	14,9	117,4
НАМАНГАН	10,4	110,5
СУРХОНДАРЁ	1,4	101,5
Сирдарё	25,0	86,7
Фарғона	11,9	71,7
Тошкент	16,5	61,8
Қашқадарё	6,6	59,9
Хоразм	21,6	49,2
Андижон	13,2	29,4
ҚҚ АССР	9,0	20,5
Самарқанд	5,8	10,0
Республика бўйича:	12,1	64,8

ЮГОСЛАВИЯ СОЦИАЛИСТИК ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ, ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИНИНГ РАИСИ ИОСИП БРОЗ ТИТО МОСКВАГА КЕЛДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия коммунистлар союзининг Раиси Иосип Броз Тито КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан 5 июнда Москвага келди.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси ва СССР Давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Иосип Броз Титони рафиқаси билан, унга ҳамроҳ бўлган партия ва давлат арбобларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқа расмий кишилар самимий ва дўстона кутиб олдилар.

Аэродромда ҳозир бўлган Москва меҳнаткашларининг вакиллари ўртоқ Иосип Броз Титони қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Москва кўчалари давлат байроқлари, серб-хорват ва рус тилларида ёзилган транспарантлар билан безатилган эди. Москваликлар Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президентини самимий табриклядилар. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 июнда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалани кўрди. Ўртоқ В. М. Истомин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан ва область партия комитетининг бюро аъзолигидан озод қилди.

Пленум ўртоқ В. В. Окунскийни область партия комитетининг иккинчи секретари ва область партия комитетининг бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов қатнашди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

5 июнда Тошкент область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Актив йиғилиши область аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов доклад қилди.

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси шу йил 8 июнь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади. Депутатлар 7 июнь эрталаб соат 10 дан кеч соат 8 гача ва 8 июнь эрталаб соат 9 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

СССР—50
Қозоғистон ҳафталиги

ГУЛЛА, ЯШНА СОВЕТ ҚОЗОҒИСТОНИ!

Қараганда области. Бу ерда янги-янги шаҳарлар, саноат марказлари, фан ва маданият даргоҳлари бунёд этилаётир. Суратда: Темиртов шаҳридаги қурувчилар проспектини кўриб турибсиз.

П. Фёдоров фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

[Боши биринчи бетда].

борыб ўқиши, Москва ва Ленинградда инженерлар, врачлар, олимлар тайёрлаш — мамлакатимизнинг рус ва бошқа қардош халқлари ёрдами туфайли биринчи беш йилликлар давомида қозоқ халқи эришган муваффақиятларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб чиқиш осонми!

Партиянинг мамлакат шарқий районларидаги қудратли ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга қаратилган қатъий йўли ленинча миллий сиёсатнинг руҳига тўла-тўкис жавоб бериши билан Қозоғистон диёрида порлоқ равишда амалга оширилди. Миллатлар ўртасида сунъий вужудга келтирилган ғовлар, маҳдудлик ва ишончсизлик туб социалистик қайта ўзгартиришлар таъсири остида қулаб тушди.

Ватанимизга фашизм хиёнаткорлик билан ҳужум қилган вақтда Қозоғистон ўзининг энг яхши ўғил ва қизларини жангга юборди. Улар Брестни қаҳрамонона ҳимоя қилдилар. Москвани мудофаа қилдилар. Днепрни кечиб ўтдилар, Берлинни штурм қилишда қатнашдилар, Прагани озод этдилар. Республика фронтни ғалла, гўшт, қурол-яроқ, ўқ-дорилар билан таъминлаб турди. Мамлакатнинг ғарбий областларидан кўчириб келтирилган неча миллионлаб украиннлар, белоруслар, молдаванлар, руслар бизнинг диёримизда бошпана топди ва меҳмондўстлик билан қабул этилди. Ўша машаққатли кунларда Қозоғистон диёрининг донишманд оқини Жамбулнинг овози ҳаммага руҳ бағишлаб жаранглаб эшитилди. У Ленин шаҳрининг мард қимоячиларига «Ленинградликлар, менинг фарзандларимсиз. Ленинградликлар, менинг ифтихоримсиз!» деган жўшқин сўзлар билан мурожаат қилди.

Мисли кўрилмаган уруш момақалдироқлари ҳали-ҳали гумбурлаб турар эди, Қозоғистон эса душман босқинига дучор бўлган Украина, Белоруссия ва бошқа республикаларнинг эндигина озод қилинган районларига мутахассислар ва асбоб-ускуналар билан, экиш материаллари ва озиқ-овқат билан ёрдам берди.

Урушдан кейинги йилларда Ватанимизни яна аввалги буюк ҳолига келтириш йўлидаги улкан ишларда қозоқлар билан биргаликда Совет Иттифоқи кўпгина халқларининг вакиллари иштирок қилдилар. Партиянинг даъвати билан барча қардош республикалардан Қозоғистоннинг кўриқ ерларига 350 мингдан кўпроқ йигит ва қизлар келган эллигинчи йилларни эсга олайлик. Кўриқ ерларда комсомолларнинг кўрсатган жасоратига ҳайкал бўлмасин қолмай, шу билан бирга халқлар улуғ дўстлигининг яна бир ифодаси ҳам бўлиб қолган «Московский», «Ленинградский», «Киевский», «Севастопольский» совхозлари қад кўтарди.

Қараганда металлургия заводи қурилиши СССР халқлари энг яқиндан иқтисодий ҳамкорлик қилганлигининг ёрқин мисоли бўла олади. Ҳамма иттифоқдош республикаларнинг тўрт юздан кўпроқ корхонаси домна ва мартен печлари, ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш учун асбоб-ускуналар етказиб беришди.

Бизнинг республикамиз кўп миллатли аҳил коллектив бўлиб, унинг тўққизинчи беш йилликдаги энг йирик қурилишларида, шаҳар ва қишлоқларида юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Бундан ярим аср кўпроқ илгари чўлларга Совет ҳокимиятининг ёлқини аланга сочганидан кейин қозоқ халқи тараққиёт, фан ва маданиятнинг ҳамма неъматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди, янги маънавий бойликларни қўлга киритди. Турмуш, дунёқараш, идеаллар янгилана борди. Социалистик идеология қарор топди. Қозоғистонда фан, санъат ва адабиётнинг гуркираб ривожланиши ленинча миллий сиёсат муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг тимсоли бўлди. Ҳозирги вақтда Қозоғистон Фанлар академияси олимлари ва республиканинг 200 дан кўпроқ илмий муассасалари иш олиб бормоқда. Ўтган ярим асрда Қозоғистонда миллий маданиятнинг ҳамма неъматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, янги маънавий бойликларни қўлга киритган инсон билимларининг бирон-бир соҳасини топиш амри-маҳол бўлиб қолди. Эндиликда қозоқлар Маркс ва Ленининг, Пушкин ва Бальзакнинг, Фирдавсий ва Руставелининг, Шевченко ва Шекспирнинг асарларини ўз она тилларида ўқишяпти. Ўз навбатида СССР халқлари ҳам бизнинг классикларимиз Ибрай Олтинсарин, Чўқон Валиханов, Жамбул Жабоев, Мухтор Авезовни таниши ва севиб қолишди...

Қардош маданиятлар дўстлиги узоқ асрлардан бошланган. Чунончи, Қозоғистон диёрида Пушкин ва Лермонтовнинг Абай томонидан таржима қилинган шеърлари ва поэмалари азалдан маълум. Улар қозоқ халқининг турмушига қимматли хазина бўлиб кирди. Бир вақтлар Қозоғистонга келган рус олимлари ва сайёҳлари қозоқларнинг миллий музикаси ҳақида, номлари номаълум бўлган куйчи оқинлар ижоди тўғрисида зўр меҳримуҳаббат билан ёзганлар.

Ҳозирги вақтда қардош маданиятлар дўстлиги янги мазмун касб этди. Анъаналар ва формалар хилма-хил бўлса ҳам идеаллар бирлиги ҳар бир миллий маданият учун характерлидир. Қардош республикаларнинг Қозоғистонда бўлиб ўтган адабиёт ва санъат декадалари ва ҳафталиклари, шунингдек мамлакатимиз ва қардош социализм мамлакатларининг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида қозоқ адабиёти ва санъати арбобларининг ўз асарлари билан чиқишлари миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашувига ва бир-бирини бойитишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Владимир Ильич Ленин бундай деган эди: «...биз ҳар бир халқнинг мустақил бўлиб ва эркин ҳолда ривожланиши учун, ўз она тилида адабиёт яратиши ва тарқатиши учун ҳар томонлама ёрдам бермоқдамиз...» (В. И. Ленин, асарлар, 29-том, 539-бет).

В. И. Ленининг ёрдами билан Қозоғистонда полиграфия базасининг асослари вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда республикада қозоқ, рус, уйғур, корейс тилларида ва бошқа тилларда 363 газета ва 25 журнал чоп этиляпти. Республика радиоси ва телевидениеси ўз эшиттиришларини бир неча тилларда олиб бормоқда. Улуғ мамлакатимизда, ҳар бир қардош республикада турли миллатларга мансуб кишилар жамиятда тенг ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар, улар давлат ҳокимияти органларида кенг ваколатига эга. Қозоғистонда масалан, 1971 йилда сайланган саккизинчи чақириқ республика Олий Совети составига 12 миллат вакиллари кирди. Қозоғистон республикасининг ҳукумати ҳам ўз составига жиҳатидан интернационал бўлиб, унда қозоқлар, руслар, украиннлар, арманлар, татарлар ва бошқа миллат фарзандлари ёнма-ён туриб, аҳил бўлиб жўшқин ғайрат билан ишлашмоқда.

Қозоғистон Коммунистик партияси сафларида улуғ мамлакатимиздаги 94 миллат ва элатнинг вакиллари бор.

Тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида меҳнаткашларни интернационализм ғоялари руҳида тарбиялаш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ленининг Интернационализмнинг моҳияти уни «эълон қилиш»дан эмас, балки амалда интернационалист... бўла олишдан иборат деган даъвати бутун ҳаётимиз учун қонда бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир миллат ўз экономикаси, маънавий маданияти бойликларини бошқалар олдида намоён қилиш билан бирга бошқа миллатлар яратган яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзи учун ижодий қабул қилаётир. Бундай интернационал ўртоқлашиш — мамлакатимиз барча халқлари социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг зарур омили ва шартидир. Шу нуқтаи назардан қараганда Қозоғистонда миллий масалани ҳал этиш тажрибаси ҳақиқатан оламшумул тарихий аҳамиятга эга ва у Осиё ва Африканинг озод бўлган кўпгина мамлакатлари диққатини ўзига жалб этмоқда. Шу мамлакатларнинг вакиллари бизнинг республикамизга келар эканлар, социалистик тараққиёт йўлининг ғоят катта афзалликларга эга эканлигига яққол ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Олмаотада 1969 йилда В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишланган ваколатли анжуман бўлиб ўтди. Бу халқаро анжуманнинг кўпгина қатнашчилари чунончи, шу ҳақда гапирдилар. Қозоғистон пойтахти ҳозирги вақтда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг V Конференциясига тайёргарлик кўрмоқда. Бу конференцияни 1973 йилда ўтказиш кўзда тутилади.

Совет халқлари дўстлигининг мустаҳкамланиб бораётганлиги, ленинизмнинг миллий масалага доир абадий барҳаёт ғоялари жуда катта жозиба кучига эга эканлиги, бу ғоялар бутун дунё мамлакатлари ва халқлари тақдирига таъсир ўтказаётганлиги империализм қароргоҳида қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Империализм идеологлари Ленин таълимотининг интернационал аҳамиятини бузиб кўрсатишга, унинг социализмни муваффақиятли қуришга ўтказаётган баракали таъсирини яширишга интилмоқдалар ва бизнинг мамлакатимизга тинмай туҳмат ёғдирмоқдалар. Бироқ бу урунишларнинг ҳаммаси беҳуда. Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия Советлар Мамлакати барча миллатлари ва элатларининг тағин ҳам яқиндан бирлашуви, тобора бир-бирига яқинлашуви ҳар тарафлама гуллаб-яшнаши учун, буюк ихтиёрий иттифоқимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун қатъий кураш олиб бормоқда ва бундан буён ҳам олиб бораверади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев таъкидлаганидек, «Коммунизм қурилишининг ҳозирги босқичи эришилган муваффақиятларни фақат мустаҳкамлашнигина эмас, шу билан бирга, ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Гап барча миллат ва элатларнинг яна ҳам бир-бирига яқиндан жипслашуви тўғрисида, совет кишиларини совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, миллатчилик ва иркчилик идеологиясига муросасизлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ишларни янада яхшилаш тўғрисида бормоқда».

Совет кишилари абадий барҳаёт Ленин ғояларига амал қилиб, синалган интернационализм йўлидан, халқлар қардошлиги ва дўстлиги йўлидан бормоқдалар. Қўш орденли Қозоғистон меҳнаткашларининг экономика ва маданий қурилишда қўлга киритган жуда катта муваффақиятлари — партиямиз ленинча миллий сиёсатининг улуғ тантанаси демакдир. Ленинизм — ҳар бир совет кишиси учун бўлгани каби, қозоғистонли ҳар бир меҳнаткаш қалби учун ҳам улуғ ғоянинг, улуғ таълимотнинг бўлиб қолмай, аввало, совет халқларининг Ленин даҳоси билан мунаввар бўлган ижодий меҳнати демакдир, кишиларимизнинг оптимизми ва эртанги кунга ишончи, уларнинг ғайрат-шижоати ва бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб, коммунизмнинг улуғвор биносини бунёд қилишга бўлган қатъий аҳдипаймони демакдир.

(АПН).

Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган металлург Қорабой Боимбетов узоқ йиллардан бери Чимкент қўрғошин заводида ишлаб келяпти. У ўз касбини устаси эканлиги билан, ёш металлургларга жонкуяр устозлиги билан коллектив ҳурматини қозонган. Суратда: Қорабой Боимбетов.

Э. Чиковани фотоси.

ТАСС МУХБИРЛАРИДАН

СУТ ФАБРИКАЛАРИ

Целиноград яқинидаги «Ерейментов» совхозида катта сут фабрикаси қурилди. 1100 сигирга мўлжалланган чорвачилик шаҳарчасида механизациялашган оғилхоналар, сут соғиладиган ва ем-хашак тайёрланадиган цехлар, сутга дастлабки ишлов берувчи бўлимлар бор.

Шарқий Қозоғистонда шундай қувватдаги иккита комплекс қурилмоқда. «Ярославский» совхозидаги бир комплекс шу йилиёқ ишга тушади.

1975 йилда республикада сут етиштирувчи 20 дан ошиқ катта комплекс, неча ўнлаб совхоз ва колхоз фабрикалари вужудга келтириш мўлжалланади.

МАШИНАСОЗЛАР УЧУН

ҚОРАЖАЛ. (Қараганда области). Атасу руда бошқармасининг кончилари йил бошидан бери бир миллион тоннадан ортиқ темир руда қазиб чиқардилар. Қозоғистон магниткасида шу вақт ичида пландан ташқари жўнатилган 40 минг тонна хом ашёдан 25 мингта «Жигули» енгил автомобили ишлаб чиқаришга етадиган металл эритиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, Қараганда металлургия комбинати—Волжск автомобилсозларига пўлат тунука етказиб берувчи корхоналардан бири ҳисобланади.

Ғарбий Қоражал карьерининг коллективи пешқадамлик қилмоқда. Қазиб олинган ҳамма руданинг ярмидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

Яқин беш йилликлар ичида Қозоғистон индустрияси катта одимлар билан илгарилаб кетди. Республика харитасига анчагина ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Жанатас, Янги Узен, Қапчиғай ва шунга ўхшаш бир неча шаҳарлар пайдо бўлди.

* * *

Қозоғистон Магниткасида «1150» слябинги, «1700» йирик пропат стани, ҳажми 2700 куб метр бўлган учинчи домна гиганти ишга туширилди.

* * *

Жамбулда ҳар бирининг қуввати 200 минг киловатт бўлган учта энергоблокли катта ГРЭС иншооти жуда қисқа муддатда қурилиб фойдаланишга топширилди.

* * *

Ҳозир Қозоғистонда бир минутда: 100 тоннадан ортиқ кўмир, 24,7 тонна нефть, 19 квадрат метр ип-газламалар, 13 квадрат метр жунли матолар ишлаб чиқарилмоқда.

* * *

Қараганда шахтасининг республикада хизмат кўрсатган шахтёр Асхат Салахов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси кончилари бир неча кундузда минг тонна кўмир қазиб чиқаришаётир.

* * *

Чимкент цемент заводининг механиги Анатолий Клешев ўз меҳнат фаолиятида юздан зиёд рационализаторлик таклифлари киритиб, 78 минг сўм маблағни тежаб қолишга эришди.

* * *

Қозоғистон халқ хўжалиги олдида амалга оширилаётган улуғвор вазифалар турибди. Республика шу беш йиллик ичида машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баравар оширишга эришади, Лисанов кон-бойитиш комбинатининг биринчи навбатини ишга туширади, еттита янги нефть ва газ конларидан фойдаланишни йўлга қўяди.

* * *

1975 йилга келиб Қозоғистонда бир минутда: 101 минг киловатт соатдан зиёд электр энергия, 58 тоннадан ортиқ нефть, 14,2 тонна цемент ва бошқа хил халқ хўжалиги учун зарур бўлган хом ашё ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган бўлади.

НУР ЧАШМАЛАРИ

Бундан ўн-ўн беш йил аввал ер ости конларига бой — Олтой яқинидаги Усткаменогорскдан чиққанингизда, йўл ёқасида қад кўтариб турган машҳур Притор деворларига кўзингиз тушарди. Бу деворлар билан туташ тоғ шамолига кўксини тутган ўткир қирралн Мустаҳкам ва Омонат деб номланган қоялар бошланарди.

Қозоғистоннинг биринчи йирик нурхонаси—Усткаменогорск гидростанцияси қурувчилари ана шу Притор деворларини емириб ташлашди. Энди навбат Мустаҳкам ва Омонат қояларига етиб келди. Бу қояларни йўқ қилишдан мақсад иккинчи йирик Бухтармин гидростанцияси қурилиши учун зарур бўлган майдон ҳозирлаш эди.

Бундан ярим асрча олдин кенг чўл бағирларида чорвачилик билан шуғулланиб келган қозоқ оилалари жин чироқларда кун кўришарди. Улуғ Октябрь революцияси шарофати билан қозоқ элига ҳам Ильич чироқлари кириб кела бошлади.

Қозоғистон беқиёс гидротехника ресурсларига эга. Бу ресурсларнинг ўртача йиллик қуввати 20 миллион киловаттга тенг. Бу запасларнинг кўпчилик қисми Қозоғистоннинг мўъжизалар маскани — бағри конларга бой Олтойдан оқиб келади. Олтой ярим металли рудаларга жуда бой. Ана шу база асосида йирик саноат гигантлари — Усткаменогорск қўрғошин-рух. Зиряновский рух комбинатлари, Лениногорск полиметалл комбинати тинимсиз ишлаб турибди. Бундай йирик корхоналар электр энергиясиз ҳаракатга келмасди, албатта.

Қозоғистоннинг революциягача ишлаб чиқарган энергияси битта паровозни юргизишга ҳам етмасди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Иртиш оқимидаги — Биструх ва Хариузовк бекатларида гидростанциялар қурилиши бошлаб юборилди. Бу станциялар шу кунда ҳам арзон электр-энергия етказиб бермоқда. Яқинда Ульбинск ГЭСи ўзининг 30 йиллигини нишонлади. Бу тарихий ГЭСни дохийимиз В. И. Ленин ўзининг «ГОЭЛРО» ҳақидаги мақоласида ҳам тилга олган эди.

1953 йилда Қозоғистон ССР ҳаётида яна бир катта воқеа юз берди. Иртиш каскадининг биринчи пиллапоясида барпо этилган Усткаменогорск ГЭСи ишга тушди. Бу республикадаги энг йирик гидротехника иншооти эди. Унинг тўғони 65 метр баланд бўлиб, мамлакатимизда ягона ҳисобланарди. ГЭСдаги электр энергия ҳосил қилувчи агрегатлар жуда қувватлилиги билан ажралиб турарди.

Иртиш каскадининг иккинчи пиллапоясида Бухтармин ГЭСи дунёга келди. Бу ГЭС ўзининг жуда кўп иқтисодий фойда келтириши билан ажралиб туради. Бухтармин ГЭСи Братск ГЭСидан кейин арзон электр энергия ишлаб чиқаришда иккинчи ўринни эгаллайди.

Бухтармин гидроэлектростанцияси юқори даражали автоматика асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Мураккаб жараёнларни атиги 4 киши техника ёрдамида беками-кўст бошқариб туради. У ҳосил қилаётган электр энергия Қозоғистоннинг узоқ-узоқ районларига, шунингдек Шимолий Қозоғистонга ҳамда Олтой ўлкасига бориб етган. Энергия ҳалқаси гигантининг бу звеноси Шарқий Қозоғистон, Сибирь, Урал ва мамлакатимизнинг марказий районларига ҳам қулоч ёзган. Бухтармин ГЭСидан унча узоқ бўлмаган ерда Шульбин гидростанцияси барпо этилапти. Бу Иртиш каскадида қурилган гидростанциялар ичида энг йириги бўлади. Каскад пиллапоялари Бухтармин сув омборидан то Омск шаҳригача бўлган 2 минг километр масофани ўз ичига олган.

Иртиш каскадининг арзон электр энергияси республика саноати учун янги уфқлар очиб қолмай, қишлоқ хўжалиги тараққиётига ҳам салмоқли таъсир ўтказмоқда. У бўз ва қақроқ ерларни ўзлаштиришда ҳамда Олтой ўлкасидаги катта қурилишларни ва бошқа ер ўзлаштириш ишларини амалга оширишда қўл келяпти.

Ҳозир социалистик Қозоғистонда бир кунда 55 миллион киловатт-соатдан зиёд электр энергия ҳосил қилиняпти. 1913 йилда бутун Россия электростанциялари бир ой мобайнида зўрга шунча энергия ҳосил қиларди, холос.

Қозоғистон гидроиншоот қурувчилари йирик гидростанциялар қуришда катта тажриба тўплашган. Улар орасида Миср Араб Республикасида барпо этилган Асвон тўғони қурилишида ҳам қатнашганлар кўп. Аркиш Еркешев ана шундай гидроиншоот қурувчилардан. Оддий қозоқ оиласидан чиққан бу меҳнатсевар йигит гидроиншоотлар қурилишида ўз ҳамкасбларига доим иш бошлиқ қилмоқда. Кўпчиликка ибрат кўрсатиб ишлаётир. Бухтармин ГЭСи қурилишида эса мастерлик қилди. У билан Бухтарминда ҳамда Нил дарёси бўйида қурилган гигант гидроиншоотлар қурилишида бирга бўлган экскаваторчи Павел Туронов ҳам бугун Қозоғистон пойтахти — Олмаотадан унча узоқ бўлмаган Или дарёси бўйида Қапчиғай гидроиншоотини барпо этишяпти.

Бу ГЭСни барпо этишдан мақсад—биринчидан, Қозоғистон пойтахтидаги саноат корхоналарига арзон электр энергия етказиб берилади. Иккинчидан, ўз бағрига 29 миллиард куб метр сув сиғдирадиган йирик денгиз дунёга келади. Бу денгизда катта балиқчилик хўжалиги ҳам ташкил этилади. Учинчидан, 430 минг гектар ерга шоли экинларини экиш имконини беради.

Қозоғистонда электр станциялар қурилишнинг истиқболи янада ворлок. Бу ерда фақат гидроэлектростанциялар эмас, ҳатто кўплаб иссиқлик электр станцияларини ҳам барпо этиш имкониятлари катта. Республика йирик кўмир запасларига эга. Шимолий ва Марказий Қозоғистоннинг ўзидагина кўмир запаслари 22 миллиард тоннани ташкил этади. Бу ёнилғи шарофати билан 55 миллион киловатт-соат қувватга эга бўлган электр станцияларни 50 йил давомида тўхтовсиз ишлатиб туриш мумкин. Яқинда Ермаков ГРЭСи ишга тушди. Бу нур манбаининг қуввати 2,4 миллион киловаттдан иборат. Ҳар бирининг қуввати 4 миллион киловаттдан бўлган яна иккита Экибастуз станцияларини қуриш белгиланмоқда. Яқин йиллар ичида Шимолий Қозоғистонни Урал ва СССРнинг Европа қисмлари билан бирлаштирадиган йирик энергия узатиш линиялари системасини қуриш ишлари поёнига етади.

Қозоғистон энергетиклари зиммасига жаҳонда биринчи бўлиб доимий токка чидаш берадиган ўзидан бир ярим миллион волтт-қувватни ўтказадиган мингларб километрли электр узатиш линияларини муваффақиятли қуриб ишга туширишдек вазифаси юклатилган. Бу линиялардан ўтмишда одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуйдиган Қозоғистон чўлларини янада обод қилишга, чароғон этишга кенг имкониятлар очиб берувчи қудратли ва шарофатли электр энергия дарёдек гувуллаб оқиб туради.

Собит НУРЖИСОВ.



Кентов экскаватор заводи — республикада йирик корхонадир. Суратда: оператор коммунист Азритбек Бенеев технологик линия иш жараёнини кўздан кечирмоқда.

А. Идрисов фотоси, (КазТАГ).

ҚАПЧИҒАЙ ДЕНГИЗИ ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда Қапчиғайнинг довруғи бутун мамлакатимизга ёйилган. Янги Қапчиғай денгизи Олмаота шаҳрининг шимолида — ундан 40 километр нарида жойлашган. Денгиз энди Или дарёсининг эилол сувн билан тўлғизилляпти. Бу ерга катта қурувчилар отряди келишади.

Уй-жой биноларини лойиҳалаштириш институти — «Казгорстройпроект» мутахассислари Қапчиғай денгизи бўйида меҳнаткашларнинг йил бўйи муттасил ҳордиқ чиқаришларига имкон берадиган иккита зонанинг бош планини ишлаб чиқишди.

Лойиҳа ижодкорлари икки кунлик дам олишга мослаштирилган зонага — «Ёшлик» деб ном беришди. Тўрт ярим минг гектар майдонни ўз ичига оладиган бу зонада пансионатлар, лагерлар, меҳмонхоналар, марказий сув стадионида сув спорти комплекслари жойлашади. «Ёшлик» 60 минг кишининг маданий ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган.

Туристик базалар, дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, курортлар, меҳмонхоналарнинг яна бир комплекси. «Қуёшли» деб аталадиган иккинчи дам олиш зонасидан ўрин олади. Бу ерда боладарнинг ёзги каникулларда мириқиб дам олишлари учун ҳам шарт-шароитлар муҳайё этилади. Денгиз қирғоғида «Артек» типида пионерлар лагери барпо этилади. Бу замонавий лагер бир йўла 13 минг ўқувчига хизмат қила олади.

Дам олиш зоналари қўқаламзорлаштирилади. Зона атрофлари эса мевали ва манзарали дарахтлар билан ўраладн. Шундай қилиб, Қапчиғай денгизи мамлакатимиздаги энг яхши ҳам дам оладиган, ҳам шифо баҳш этадиган даргоҳга айланади. Бу даргоҳдан иттифоқимиздаги барча республикалар қатори, серқуёш Ўзбекистоннинг меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўладилар.

Ермак ОМОНКЕЛГЕНОВ.

ХУШ Хабарлар

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

ФАХРЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

СССР Енгил саноат министрлиги коллегияси ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг Президиуми аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар. Республикамиз Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг қуйидаги ишчиларига: Тошкент канап фабрикасининг йигирувчиси Л. Галкинага, шу фабриканинг тўқувчиси Н. Ковригинага, Бухоро пахта тозалаш заводи жин аппаратчиси О. Мельниковага, Андижондаги 1-пахта тозалаш заводи жин аппаратчиси Ю. Садановга, Бахт пахта тозалаш заводи жин аппаратчиси Б. Шумрановага ва Қўқонқишлоқ пахта тозалаш заводи жин аппаратчиси О. Эргашев ўртоқларга «Тўқ қизинчи бешинчи йиллик енгил саноатининг энг илғор ишчиси» унвони ҳамда Фахрий диплом берилди.

Москва район пахта тозалаш заводининг А. Абдуазимов, Ўзбекистон район пахта тозалаш заводининг О. Мўминов, Бухоро район пахта тозалаш заводининг С. Тожиев ўртоқлар мастерлик қилаётган илғор ишлаб чиқариш бригадалари коллективлари эса «Ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришган бригада» деган номга сазовор бўлишди.

Х. АҲМАДЖОНОВ,
инженер.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигига қарашли 3-ун заводи коллективи ун ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик планни муддатдан илгари бажарди. Пландаги 3383 минг сўм ўрнига 3419 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 149 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлинди. Маҳсулот таннархи анча камайиб, меҳнат унумдорлиги 8,7 процент ошди.

Ун заводи коллективи эришган ғалабага Абдуқодиров, Шоюнусов, Шокиров, Қозоқбобоев, Мирзаева, Филиппова, Бойко, Овчинникова, Кандауров, Юдаев ва Худойбердиев ўртоқлар каби меҳнатсевар ишчилар салмоқли ҳисса қўшишди.

К. БУРОНОВ.

ИИЛЛИК ПЛАН 4,5 ОЙДА

МУЙНОҚ. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Жанубий Орол балиқчилари СССРнинг 50 йиллик юбилейига муносиб армуғон тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Улар давлатга балиқ топшириш бўйича йиллик планни 4,5 ойда ошириб бажардилар.

Балиқ овлашда «Памяти Ленина» колхози балиқчилари, айниқса юқори натижаларга эришяптилар.

Колхоз балиқчилари йил охиригача яна 5 минг центнер балиқ овлаб бериш учун курашяптилар.

* * *

Шунингдек, редакциямизга қашқадарёлик М. Каримов, наманганлик Х. Тўраев, А. Шербоев, А. Махсумов, самарқандлик Н. Умаров, Б. Ўрозов, андижонлик М. Акбаров, С. Мўйдинов, бухоролик М. Холмирзаев, сурхондарёлик Н. Худоёров, хоразмлик А. Эшматов, фарғоналик О. Боймирзаев, Т. Хамидов, сирдарёлик Т. Тўқлибоев, тошкентлик И. Исмоилов, А. Мазбутов, Э. Болтабоев ўртоқлар ҳам саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларидан хушхабарлар йўллашган.

ДАРЁ ЮҚОРИГА ҚАРАБ ОҚАДИ

ҚАРШИ ДАШТИДА ПАХТАЧИЛИКНИНГ ЯНГИ КАТТА РАЙОНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛСИН

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИДАН).

Қарши даштидаги насос станцияларида дастлабки тўртта агрегат ўрнатиб бўлинди. Тағин тўртта агрегат монтаж қилина бошланди. Уларнинг ҳар бири ғоят улкан агрегат бўлиб, уларга тенг келадиган агрегат ҳозирча жаҳонда йўқ.

«Средазгипроводхлопок» институтининг директори, Ленин мукофоти лауреати Д. К. Терситский бу агрегатларни қуйидагича тавсифлаб берди: «Бу ғоят нодир агрегатларнинг ҳар бири секундига 40 кубометр сувни баландга кўтариб бера олади. Бу эса ҳозир ишлаб турган насослар ҳар бирининг сув кўтариш қувватидан икки баравар ортиқдир. Бу рақамнинг мазмунини чақиб кўрайлик. Мана, секундига бир литр сув олиб борадиган сув оқими. Бу ерда эса биз 40 минг ана шундай сув оқимини кўрамиз. Шунча сув етти қаватли бино баландлигига тенг келадиган баландликка кўтарилади. Бу эса ҳар секундига 40 тонна юкни 23 метр баландликка кўтариш демакдир».

Одамлар яшайдиган жойдан олисдаги бу саҳрода бир мўъжиза рўй беради.

...Қаршидан жанубга қараб йўл олганингда кўз олдингда бепоён текислик намоён бўлади. Бу текислик хиёл ўт-ўлан билан қопланган. Борган сари ана шу яшил ўт-ўлан кўздан ғойиб бўлиб, унинг ўрнига барханлар кўзга ташланади. Киши нигоҳига илинадиган бирор нарса кўринмайди. Мана, ниҳоят машина асосий йўлдан кескин бурилиб, бошқа томонга қараб юра бошлайди. Тўсатдан кўз ўнгимизда улкан қурилиш манзараси намоён бўлади. Ҳамма нарса — чуқур ва кенг котлован ҳам кўзга ташланади. Бу котлован қум тепаликлар орасида қазилган. Юқорида темир-бетон биноларнинг, канал участкаси, кранлар кўриниб туради.

Бу — Қарши магистрал каналидаги иккинчи насос станцияси. Бу ерда дастлабки агрегатларни монтаж қилиш бошқа участкалардагига нисбатан барвақт тамомланди. Шу йилнинг охирига бориб, яъни Амударё сувини қўрғоқчил районларга мўлжалланганидан бир йил олдин етказиш учун ҳар бир станцияда иккитадан насос ўрнатиш кифоя қилади.

Олинган юксак мажбуриятга яраша зўр ғайрат билан меҳнат қилинмоқда. Ағдарма машиналар бир неча ой мобайнида станция котлованидан тупроқни тинимсиз ташиб турди. Шу тариқа қурувчилар бригадаларининг ишлаши учун жой бўшатиб берилди. «Қаршистрой» бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг бетончилари, дурадгорлари, монтажчилари бу ернинг асосий «хўжайинлари» бўлиб қолишди. Улар станциянинг биносини кўзга аниқ кўринадиган ҳолга келтириб қўйишди, пўлат қувурлар ётқизишди. Бу қувурлардан юқорига қараб сунъий дарё оқа бошлайди. Қувурларнинг катта-кичиклиги ундан қанча сув оқишига мос келади: ҳар бир қувурдан юк машинаси бемалол ўта олади.

Қурилишда салкам икки юз киши банд. Ҳар бир бригаданинг ўз участкаси, ўз топшириғи бор. Лекин ниҳоят ускунани биринчи бўлиб ўрнатиш ишонч топширилган кишиларнинг вазифаси айниқса муҳим.

— Иккита агрегат ўрнатилди,— деди монтажчилар бригадири Абдураҳим Абдуқодиров. — Энди биз валнинг умумий линиясини текшириб кўрмоқдамиз. Биз бунда ишнинг ғоят аниқ бўлишига эришишимиз керак. Ўртадаги тафовут миллиметрнинг ўндан бир бўлагидан ортмаслиги керак.

Миллиметрнинг ўндан бир бўлаги қанча эканлигини тушуниш учун монтажчилар иш кўраётган ялтироқ металл деталларига қараш керак. Бу ердаги ғилдирак «бор-йўғи» 12 тонна келади. Насоснинг вали унга нисбатан икки баравар оғироқ. Насоснинг валини бинонинг бир қаватидан иккинчи қаватига кўтарилгандагина кўздан кечириш мумкин. Электр двигателининг катталиги ва оғирлиги янада баҳайбатроқ. Статор вазни 36 тонна, ротор вазни эса 52 тонна келади.

Ана шундай деталларни бу ерга қандоқ қилиб келтиришга муваффақ бўлишди? Бунда улкан трайлерлар ҳамда даштда олдиндан чиқариб қўйилган яхши асфальт йўллар қўл келди. Бирбир бундай баҳайбат деталлар ташиладиган рейс тажрибали, кўпни кўрган шоферлар учун ҳам бир синов бўлди. Улар оғир юк ортилган машиналарни станция биносига яқинроқ жойдаги махсус майдончага олиб келишди. Шундан кейин кўтариш кранлари ҳаракатга келиб қолди. Монтажчилар учун энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Одатда монтаж ишлари бўйича бош прораб Анатолий Сафонов кўприк кранини бошқариш ишига киришади. У бригадир билан кўпдан буён қалин дўст — улар бир-бирларининг кўнглидаги гапни бир оғиз сўзданоқ тушуниб олишади. Бу эса ҳамиша яхши самара беради.

Абдуқодиров билан Сафонов қурилишда уч йилдан буён бирга ишлашади. Бу йилларнинг ҳар бири юксакроқ маҳоратга эришиш йўлида янги бир зинапоя бўлди. Улар Ҳамза станцияси агрегатларни монтаж қилишда иштирок этдилар. Уша вақтда Ҳамза станцияси энг кучли станция ҳисобланарди. Шундан кейин Шеробод станциясида меҳнат қилишди. Ушанда бу станция мамлакатда энг йирик станция эди.

Мамлакатимизда экин майдонларини машина билан суғориш чиндан ҳам ғоят тез ривожланмоқда. Бундан атиги йигирма-ўттиз йил муқаддам айрим баланд участкаларгагина сув насос билан чиқаришарди. Эндиликда бўлса Шерободда механизмлардан улкан сунъий дарё сувини бошқа томонга оқизишда ҳам фойдаланилмоқда. Барибир шундай бўлса ҳам Қарши даштини суғориш учун бу агрегатлар ўнгай эмас экан. Ахир, бу ерда иш ҳажми ғоят катта. Дастлаб 96 та насосни ўрнатиш мўлжалланган эди. Кейинчалик бу дастлабки мўлжал ғоят мураккаб ва ўнгайсиз бўлгани учун ундан воз кечишга тўғри келди.

Худди ўшанда Ўзбекистон ирригаторлари ва «Гидропроект» институти Куйбишев филиали лойиҳачиларининг топшириғига мувофиқ конструкторлар янги техникани ишлаб чиқишга киришдилар. Гидромашинасозлик Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот конструкторлик ва технология институтининг мутахассислари билан «Уралгидромаш» заводининг мутахассислари куч-ғайратларини бирлаштириб, мураккаб ҳисоб-китоб, тадқиқот, моделлаштириш ишларини бажардилар. Шундан кейин заводда насос ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Уралэлектротяжмаш» янги двигателлар яратди. Бу двигателлардан ҳар бирининг қуввати 12 минг 500 киловатт. Каскаддаги барча моторларнинг қуввати 400 минг киловатт. Бундай истеъмолчини энергия билан таъминлаш учун Фарҳод ГЭСига ўхшаган тўртта ГЭС керак?

Ҳозир Қарши даштида агрегат тайёрловчи заводларнинг инженерлари ҳар бир деталнинг ўрнатилишини кузатиб турибдилар. Қийин масалалар биргаликда ҳал этилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ агрегатлардан фойдаланиш хизмати ташкил қилинган. Ана шу хизмат ходимлари барча операцияларни синчиклаб кузатиб турадилар.

Қурилишда ҳамма иш ягона графикка бўйсундирилган. Бирорта ҳам қолоқ участка бўлмаслиги керак деган шиор асосида мусобақа авж олдирилмоқда. Дадил орзу-ҳаёл бўлган режа амалга ошириладиган, орзу рўёбга чиқариладиган кун тобора яқинлашмоқда. Сув оқими янги ўзанга қаратилмоқда. Бу оқим ўз йўлида қар гал тепаликка дуч келади. Насослар эса ўзининг баҳодирона қудратини кўрсатиб, сувни баландга кўтариб бераверади.

Қарши даштида мана шу беш йилликнинг охиридаёқ 85 минг гектар майдон суғорилади. Совхозларнинг дастлабки чорбоғлари қад кўтаради. Атрофда боғлар, пахтазорлар яшнаб кетади. Ҳаётбахш сув юз минглаб гектар ерни суғорғач, бу ерда бой «оқ олтин» ўлкаси вужудга келади.

Г. ИГНАТЬЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

МОСИДДИН Матёқубов Андижондаги 24- қурилиш трестининг 66-механизациялашган кўчма колоннасида бетончи бўлиб ишлайди. Андижонда унинг меҳнати сингган йирик биноларни, қуриб ишга туширилган саноат корхоналарини, маъмурий-маиший қошоналарни кўп учратиш мумкин. У ишлаётган колонна бунёдкорлари ҳозир Куйбишев номли пахта заводини тезкорлик билан барпо этишаётир. Улар СССР 50 йиллик байрамигача заводни истеъмолчилар ихтиёрига топшириш учун ҳаракат қилишаётир.

М. Штейн фотоси.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Бир йил ичида 50 та янги уй, доимий ишлайдиган болалар боғчаси қуриб битказилди. Ҳозир Марҳамат районидаги «Комсомол 50 йиллиги» колхозининг йил сайин обод бўлиб бораётган қишлоғида замонавий типда қурилган касалхона, боғча, 2 та ўрта мактаб, 4 та кутубхона, клуб, 6 та магазин, чойхоналар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишлаб турибди. Колхоз бинокорлари ССР Иттифоқи ташкил этилган кунининг 50 йиллиги байрамигача 500 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси ва кўплаб уй-жой қуриш учун астойдил ишлаётирлар.

Р. ҒОЗИЕВ.

МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КУНЛАРИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область партия комитетининг ташаббуси билан шаҳар ва районларда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги олдидан Меҳнат шуҳрати кунлари ўтказилмоқда. Меҳнат шуҳрати куни биринчи бўлиб Нарпай районида ўтди. «Қарнаб» совхозининг бўлимларида ва барча колхозларда зафарлар кўриги бўлди. Ишчилар ва колхозчилар революция ва меҳнат ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан учрашдилар, жойларда адабий кечалар ўтказилди. Айниқса Калинин номли колхоз клубида бўлган уч авлод учрашуви қизиқарли ўтди. Колхоз ветерани Эргаш Боболқулов, Пўлатчи қишлоғининг биринчи ўқитувчиси Абдураҳим Расулов учрашувда ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг КПСС тарихи кафедраси мудири Н. Абирқулов СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги ҳақида лекция ўқиди. Шунингдек Оқтош шаҳридаги саноат корхоналарида ва қурилиш ташкилотларида ҳам қизиқарли кечалар бўлиб ўтди.

Район меҳнат шуҳрати кунлари 3 июнь кунида якунланди. Бўлиб ўтган йиғилишда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмонов нутқ сўзлади. Навбатдаги меҳнат шуҳрати кунлари Булунғур районида ўтказилади.

Л. ЭРГАШЕВ.

УМИДЛИ ТАЛАНТЛАРИМИЗ

ДИЛОРОМНИНГ ДИЛРАБО ОВОЗИ

Инсон дили шундай нозик ва мустаҳкам қўрғонки, уни ончамунча қўшиқ, куй, овоз билан қамал қилиб бўлмайди. Дилдорлик билан, ижрода қалбга йўл топиш билангина ана шу қўрғонни эгаллаш санъаткорга насиб этади. Айрим қўшиқ текстлари борки, улар музика паноҳида жон сақлаб юради. Ё аксинча. Қўшиқ айтиш, ёқтириб айтиш, манзур қилиб айтиш санъаткордан катта маҳорат талаб қилади.

Дилоромнинг ижроси, унга ёзиб берилган қўшиқ, шу шеърга басталанган куйда ажиб бир уйғунлик бор. Қўшиқ шайдолари Дилоромни ёқтириб қолганларича бор. Олтин сандиқ — бепоён пахта далаларимизнинг азамат бунёдкорлари, Поппнинг полук қизлари, уч дугонанинг мадҳи унинг ижросида тингловчиларда катта завқ-шавқ уйғотмоқда. У ашула айтганда кўнгироқ овози билан тингловчини ром этиб, бутунлай сеҳрлаб қўяди.

Бунинг боиси — замонавий яхши қўшиқ, шунга монанд ёқимли музика ва ниҳоят Дилоромнинг дилдор овози. Туроб Тўланинг ўйноқи қўшиқлари, Муҳаммаджон Мирзаевнинг дил мулкини ўзиники қилиб оладиган куйлари Дилоромга қанот берди. Уни халққа танитди, севимли қилиб қўйди.

Унинг овози «зангори экран» орқали кенг томошабиларга етиб борганига бир йилдан сал ошди. Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди делегатларига атаб берилган катта концерт Дилоромга оқ йўл бахш этди. Шу куни биринчи бор катта даврада «Уч дугона»ни тўлиб-тошиб айтди. Эртасига — пахтакорлар қурултойида кетма-кет олқишларга жавобан «Олтин сандиқ»ни қўшиб куйлади.

Унгача-чи? Унгача анча гап бор... «Қоратош» маҳаллалик жамалак соч қизча Октябрь район мактаблари бадиий ҳаваскорлари фестивалида қатнашди. 4-синф ўқувчиси саҳнадан тушиши билан машҳур хонанда Коммуна Исмоилова уни бағрига босди. Мурғак ижрочини Абдулла Набиев номли пионерлар саройидаги ўзи раҳбарлик қилаётган тўгаракка таклиф қилди. Дилором билан бафуржа суҳбатлашганда, у республикада хизмат кўрсатган артист Шобарат Шоқаюмовнинг невараси бўлиб чиқди. Шобарат аканинг отаси Тўйчи Ҳофизнинг севимли тамбурчиси бўлган. Дилором етти ёшлигидаёқ рақс тушишни, ашула айтишни севимли машғулот ҳисобларди...

Санъаткор бўлишга аҳд қилди. Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтига кирди. Илм олди, маҳорат сирларини ўрганди. Уста санъаткорлар йўриғини тутди. Институтни битириш арафасида Ўзбекистон давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг қутлуғ остонасига қадам қўйди. Севимли санъаткор Муҳаммаджон Мирзаевнинг имтиҳонидан ўтди. Уша куни «Ёшлар вальси»ни айтиб кўрди. Ансамбль шу куни кечқурун концерт бермоқчи эди, Дилором ҳам программага киритилди. Томошабинлар олдида катта саҳнада «Ёшлар вальси» қатори «Муножот»ни ҳам ижро этди.

Бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг ижодий кечасига тайёргарлик кўрилаётганди. Унда ёш ижрочи ҳам қатнашадиган бўлиб қолди. Янги куй яратилди, шеъри ўртача. Қўшиқ ижро этилаётганда Дилором ўзини эркин ҳис қилолмади. Шеър ёқмади чоғи. Шу кўрикда қатнашаётган шоир Туроб Тўла ҳалиги музикага мос шеър ваъда қилди. Сўзининг устидан чиқди: эртасига текстни Дилоромга етказиб берди. Бу «Эй гул» эди. Бастакорга ҳам, ашуличига ҳам манзур бўлди. Ижрода жаранглаб чиқди. «Уч дугона» билан «Олтин сандиқ» куйлари бугун басталанса, эртасига Дилором томошабин қалб торини ўйнатиб турди.

Шундай қилиб, Муҳаммаджон Мирзаев Дилором Қаюмова мураббийлик қилиб, элга танитди. Музикаси, устозлик меҳри билан катта саҳнага олиб чиқди. Ёш ижрочи устози билан фахрланади. Фахрланганича бор. У ўттиз йил илгари Мукаррама Турғунбоевага атайлаб «Жононни» басталаган. Қизлархон Дўстмуҳамедова, Гулшод Отабоева, Гулсара Ёқубовани куй сехри билан яйратган, Маъмуржон Узоқов, Ҳанифа Мавлонова, Маткарим Болтабоев, Ориф Алимаҳсумов, яна аллақанча санъат шайдоларини ёқимли куйи билан куйлатган бастакор бугун Дилоромга устоз.

Эл хуш кўрган, чалганда тингловчи яйрайдиган, рубоб чертганда ўрнига қўядиган Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаевнинг янги шогирди санъатга ўзига хос дилрабо овоз билан кириб келди. Айтишларича, Дилором куйлаётганда овозининг аллақайси нуқталари Коммуна Исмоиловани, авжлари Ҳабиба Охунованн ёдга солади. Дилоромни ярқ этиб кўрсатган янги қўшиқлар, янги оҳанглар, янги авжлар бўлди. Сўзни аниқ талаффуз этиши, бўғинларга сайқал бериши қалбга ҳаяжон солади. Оҳангларга лимм-лим қилиб айтади. Нозик дид, назокат, латофат билан тамоман ўзига хос бир тарзда ижро этган қўшиқлар ҳаётда, меҳнатда жасорат, ижодда илҳомга ундайди.

Қўшиқчи шоирлар, уста бастакорлар билан ҳамкорлиги уни баланд парвозларга чорлаяпти. Эндигина 23 баҳорини нишонлаётган истараси иссиқ, бугдойранг чехрали бу қизнинг қалби санъат оламига ошиқлик ҳисси билан тўла. Репертуари бойиб боряпти. Энди «Тўрт гўзаллик»ни ҳам айтмоқда. «Юлдузли қаҳрамонлар» ижодий хазинасига қўшилди. «Семурғ» кинофильмида Зубайда қўшиғини айтди. Бастакор Тельман Ҳасановнинг «Зор эдим бир кўргали» қўшиғини машқ қиляпти. Козоқча ашулалар ўрганмоқчи. Яна қанча замонавий қўшиқларни оромбахш қилиб куйлаш ниятида. Унинг бирдан-бир янги орзуси мақом йўлларини эгаллаш. «Муножот»ни эшитган «Баёт», «Дугоҳ»ни ҳам тинглайди. Дилором шу масъулиятли маррани қўзлаб турибди.

Санъат ихлосмандлари Дилоромдан катта умидвор. У санъат даргоҳини қутлуғ деб билишига, янги ижролари билан тингловчилар кўнглини обод этишига тилакдошмиз.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Суратда: Дилором Қаюмова устози Муҳаммаджон Мирзаев билан янги қўшиқ машқ қилмоқда.

Ҳ. Носиров фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ШОШМАНГ, ДИРЕКТОР»

Бўка пахта тозалаш заводининг директори В. П. Гусев ўта кетган ман-ман ва айёр. Қонунсиз ҳатти-ҳаракат қилишда унинг олдига тушадиган киши йўқ. Давлат маблағини шахсий пули деб биладн, уни ўз билганича ҳаражат қилади, ўзлаштиради. Гусев бошчилигидаги ҳаромтомоқлар кўплаб маблағни талон-торож қилишган.

Газетамизнинг 1971 йил 29 июлда чиққан сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда Гусев ва шерикларининг жиноятлари фош қилинган эди.

Тошкент область прокуратурасидан қуйидаги жавоб олинди: Бўка район прокуратураси фельетон юзасидан текшириш ўтказганда, унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Гусев ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, 1969 йилнинг 25 июлида заводга ускуна ва машиналарга деталлар тайёрлатиш учун пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг ходими Саричев билан 4390 сўмга шартнома тузган. Бу пулни тўлаш учун қалбаки буйруқ билан 7 киши завод ишчиси қилиб расмийлаштирилган ва уларнинг ҳар бирига декабрь ойигача 98 сўм 05 тийиндан маош ёзилган. Амалда эса ускуналарни тайёрлашда Саричев, Юрин ва Фрунтовлар ишлаб, улар ведомость бўйича 2742 сўм пул олишган. Ваҳолонки, бажарилган иш учун 756 сўм тўланиши керак эди.

Бундан ташқари, Гусев ва заводнинг катта инженери Анвар Усмонов ўртоқлар пахта тайёрлаш пунктлари гўё ремонт қилиниди деб, қалбаки нарҳ ёзиб, давлатнинг 1718 сўм 23 тийин пулини ўзлаштиришган.

Юқоридагиларга асосан Гусев ва Усмонов жиноий жавобгарликка тортилди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ХИЗМАТИДА

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Фарғона пойафзал фабрикаси чиқараётган маҳсулотнинг сифати паст. Бу ҳол аҳоли ва савдо ташкилотларининг норозилигига сабаб бўлаётир.

Газетхонлардан олинган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Фарғона шаҳар партия комитетига юборилган эди. У ердан олинган жавобда айтилишича, ҳақиқатан фабрикада паст сифатли пойафзал тайёрлаш фактлари содир бўлган. «Ўзбекобувьторг»нинг Бухоро улгуржи савдо базаси илгари фабрикадан тайёрланган маҳсулотнинг сифати юзасидан уч марта эътироз билдирган.

Ҳозир фабрика дирекцияси ва партия ташкилоти тайёрланаётган пойафзалнинг сифатини яхшилаш мақсадида барча зарур чораларни кўрмоқдалар. Шаҳар партия комитетининг бюросида «Фарғона пойафзал фабрикаси чиқараётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашда стандартнинг ролини ошириш ҳақида»ги масалани яқин орада муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

Бугун Тошкентда Москва қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари илмий-текшириш институти ва Бутуниттифоқ оториноларингологлар илмий жамияти уюштирган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қулоқ, бурун ва томоқ врачларининг иккинчи республикалараро конференцияси очилади. Конференцияда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье, Болтиқбўйи республикаларидан ҳамда Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан келган 200 дан ортиқ делегат иштирок этади.

Программа бўйича қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари врачлари республикалараро иккинчи конференциясида тўрт проблема муҳокама қилинади: оториноларингологик ёрдамни ташкил этиш ва такомиллаштириш; юқори нафас олиш йўлларининг травматик яллиғланиши; қулоқ оғирлигини (карликни) аниқлашнинг ҳозирги замон имкониятлари ва даволаш; сурункали тонзиллит ва ангина диагностикаси, уни даволаш ва профилактика қилиш.

Анжуманда Совет Иттифоқининг йирик оториноларингологлари — Ленин мукофотининг лауреати, СССР медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор С. Н. Хечинашвили, СССР медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор И. Б. Солдатов, Ленин мукофотининг лауреати, профессор Н. А. Преображенский, профессорлар И. И. Потанов, Н. А. Бобровский, Н. А. Карпов, Б. В. Еланцев, Л. Б. Дайняк, О. К. Патякина, А. И. Юнина ва бошқалар иштирок этадилар.

Юқори нафас олиш йўлларининг травматик яллиғланиши ва бундай беморларни даволашнинг метод ва йўллари муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқаришда, транспортда бўладиган авария, ёки тасодифлар орқали юз берадиган юқори нафас олиш йўлларидаги травматик шикастланишлар техника прогресси туфайли камайиб кетди. Конференцияда ана шу проблема бўйича 12 тадан ортиқ доклад тингланади. Бу докладларда меҳнатни муҳофаза қилишнинг турли методлари, касаллик профилактикаси, дастлабки диагностика ва хирургик даволаш усуллари тавсия этилади. Турли ўринлардаги ва ҳар хил шакллардаги жароҳатларни тузатиш операциялари методикасини ишлаб чиқиш билан бирга, докладчилар беморнинг ёши ва жароҳат пайдо бўлгандан кейин ўтган вақтга қараб актив даволашнинг қулай муддатларини ҳам белгилайдилар.

Қулоқ карлиги диагностикаси, уни консерватив ва хирургик даволаш истиқболлари масаласи ҳам муҳим проблемадир. Шу нарса аниқки, ҳар хил инфекциялар, турли медикаментлар, антибиотиклар, қулоқ хўжалик химикатларининг таксик таъсири, миянинг яллиғланиши, қулоқ ўртасида йиринг пайдо бўлиши, бу касалликнинг наслдан-наслга ўтиши ва бошқалар қулоқ карлигининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Клиник белгиларга қараб қулоқ карлигидаги патологик жараёнлар ўрнини аниқлаш ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Бунда ҳозирги замон илмий-техник фикр тараққиётида эришилган барча ютуқлардан (акустика, биофизика, радиотелеометрия ва бошқалар) қулоқ карлигини аниқлашда ва касалликни даволашда фойдаланиш керак бўлади. Қулоқ хирургиясининг ривожланиши, янги-янги даволаш воситаларининг юзага келиши, медицинада техника ютуқларининг кенг қўлланиши отоларингологларга врачлар олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Конференцияда ана шулар ҳақида ҳам қизиқарли докладлар тингланади.

Конференциянинг учинчи куни ангина ва муртак безлари яллиғланишини аниқлаш, даволаш, профилактика қилиш проблемасига бағишланади. 80 дан ортиқ касалликларнинг танглай безларининг шамоллаши билан боғлиқлигини ҳисобга олганимизда, бу проблеманинг қанчалик муҳимлигини билиб оламиз. Ангина ва муртак безларининг яллиғланиши касаллигининг асорати туфайли ревматизм, полиартрит, эндокардит, нефрит, пиелит; холецистит, тиреотоксикоз, субфебрилитет, тери ва нерв системасининг бузилиши каби турли хил касалликлар юзага келиши мумкин. Шунинг учун ҳам конференцияда қилинган докладлар шу хил касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи ангинанинг олдини олиш методларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Конференция натижалари қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва даволаш билан алоқадор бўлган врачларнинг практик билимини оширишда жуда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

А. МУМИНОВ.
ТошМИ даволаш факультетининг декани, медицина фанлари доктори.

Футбол

САФАР ОЛДИДАН

Пахтакорчилар яна бир ғалабани қўлга киритишди. Навбатдаги учрашувда пахтакорчиларга ивановолик тўқимачилар меҳмон бўлдилар. Учрашувнинг 27- минутида майдон эгаларининг 11 метрлик жарима тўпини команда капитани Биродар Абдураимов дарвозага йўлаб, ҳисобни очишга муяссар бўлди. Шундан кейин меҳмонлар уюшқоқлик билан ҳаракат қила бошлашди. Майдон эгалари таҳшаббусни қўлдан бериб қўйишганда, тўқимачилар дарвозамизга икки марта хавф солишга улгурдилар. Ҳужум навбатини яна пахтакорчилар давом эттиришди. Ўйиннинг биринчи қисми тугашига бир неча дақиқа қолганда Анатолий Лисаковский иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди.

Танаффусдан кейин дарвозабонимиз — «Пахтакор»да ўзига хос имтиҳондан ўтаётган Владимир Филатов кутилмаганда тўпни ушлолмай қолди. 53-минутда меҳмонларимиз ҳужумчиси В. Емельянов ҳисобни 2:1 қилди. Майдон эгалари ҳужумга куч берадилар. 61- минутда Абдураимов ҳисобни мустаҳкамлаган бўлса, 75- минутда Федоров оширган тўпни Лисаковский Кожемяка дарвозасига осонгина йўллади: ҳисоб 4:1.

Шундай қилиб «Пахтакор» мавсум бошидан бери 12 ўйин ўтказди. Тўплаган очколари 17 тага етди.

Пахтакорчилар энди сафар ўйинларини Запорожье «Металлург», Кривой-Рогда «Кривбасс» футболчилари билан ва 21 июнда Тожикистон пойтахтида «Помир» командаси билан ўтказади.

* * *

Олий лига командалари 10-тур ўйинларини ўтказишди. Натижалар қуйидагича бўлди. «Динамо» (К) — «Динамо» (М) — 0:1, «Заря» — СКА (Р) — 1:1 ,«Нефтчи» — «Қайрат» — 0:0, «Карпат» — «Динамо» (Тб) — 0:0, ЦСКА — «Торпедо» — 1:0, «Днепр» — «Арарат» — 0:0, «Динамо» (Мн)— «Зенит» — 2:0.



А. А. ГРОМИКОНИНГ ГДРга ВИЗИТИ

БЕРЛИН, 5 июнь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккерининг таклифига биноан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча расмий визит билан бу ерга келди. ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Аксен, ГДР ташқи ишлар министри О. Винцер, СССРнинг ГДРдаги элчиси М. Т. Ефремов, А. А. Громикони аэродромда кутиб олдилар.

АДН агентлигининг хабар беришича, ГБСП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер кеча СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони қабул қилиб, у билан суҳбатлашган.

А. А. ГРОМИКОНИНГ ҒФРга ВИЗИТИ

БОНН, 5 июнь. (ТАСС). ҒФР ҳукуматининг таклифига биноан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 3-4 июнь кунлари расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турди.

А. А. Громико ҒФР федерал канцлери В. Брандт билан учрашди ва суҳбатлашди. А. А. Громико билан ҒФР ташқи ишлар министри В. Шеель ўртасида ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

Ўтказилган суҳбат ва музокаралар чоғида Москва Шартномаси кучга кириши билан вужудга келувчи катта-катта истиқболлар нуқтаи назаридан СССР билан ҒФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, шунингдек Европада хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш ишида ҳар иккала давлатнинг ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатлар ва музокаралар дўстона, амалий вазиятда ўтди.

3 июнда ҒФР федерал канцлери В. Брандт СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шарафига зиёфат берди.

4 июнда А. А. Громико ҒФР ташқи ишлар министри В. Шеель шарафига понушта зиёфат берди.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. (ТАСС). Бу ерда собиқ контроль кенгаши биносида Ғарбий Берлин ва доир масалалар хусусида тўрт томонлама тузилган битимнинг якунловчи протоколини тантанали вазиятда имзолаш маросими бўлди.

СССР, Франция, АҚШ ва Англия ҳукуматлари номидан ҳужжатни Ғарбий Берлинга келган СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Франция ташқи ишлар министри М. Шуман, АҚШ давлат секретари У. Рожерс ва Англия ташқи ишлар министри А. Дуглас-Хьюм имзоладилар.

Якунловчи протокол имзоланиши билан 1971 йилнинг 3 сентябрида тузилган ҳамда Ғарбий Берлиндаги вазиятни нормаллаштириш ва яхшилаш учун самарали замин бўлган тўрт томонлама битим, шунингдек ушбу тўрт томонлама битим муносабати билан ҒДР ҳукуматининг ҒФР ҳукумати ва Ғарбий Берлин сенати билан тузган битим ва шартномалари ҳам кучга киради.

АҚШ КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 4 июнь. (ТАСС). Москвада олий даражадаги раҳбарлар ўртасида ўтказилган музокаралар жуда катта аҳамиятга молик бир қанча битимлар тузилишига олиб келди. Булар Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида давлат муносабатларини яхшилаш, терма ядро уруши хавфини камайтириш йўлидаги муҳим қадам, бутун дунёда тинчлик йўлидаги муҳим қадамдир, дейилади АҚШ Коммунистик партиясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида.

Москвада олиб борилган музокаралар ижобий якунланганлиги, деб давом этилади баёнотда, — Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципига оғишмай содиқ турганлигининг натижасидир.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

Бутун инсоният манфаатларини кўзлаб

Совет Иттифоқи раҳбарлари билан АҚШ Президенти Р. Никсон ўртасида ўтган ҳафта бошларида тугалланган музокаралар бутун дунёда тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа, деб баҳоланди, бу музокараларнинг якунларини бутун жаҳон жамоатчилиги зўр мамнуният билан кутиб олди. Ҳамма қитъалардаги давлат арбоблари, матбуот, оддий кишилар олий даражадаги Совет — Америка учрашувининг натижаларини ақл-идрок ва соғлом фикр ғалабаси деб, бутун халқаро вазиятни соғломлаштириш ишига қўшилган муҳим ҳисса, деб билмоқдалар.

Музокаралар ва унинг якунлари турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашдан иборат ленинча принцип ҳозирги дунё ривожининг энг асосий принципи бўлиб қолаётганлигидан яққол далолат беради. СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан АҚШ Президенти Р. Никсон имзолаган ҳужжатда ҳар иккала томон «ядро асрида ўз ўрталарида муносабатларни давом эттириш учун тинч-тотув яшашдан бошқа асос йўқ, деган умумий эътиқодга асосланадилар», деб таъкидланади.

Шу муносабат билан турли сиёсий маслакдаги чет эл обзорчилари Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатининг катта муваффақияти тўғрисида, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обрўси ўсганлиги ҳақида ёзмоқдалар. Совет Иттифоқи Америка томонини иккала мамлакат ўртасида — ўзаро муносабатларнинг тинч-тотув яшаш руҳидаги асослари тўғрисидаги ҳужжатни имзолашга ишонтирганлиги совет тинчлик программасининг муваффақиятини исботлайди, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. «Дейли уорлд» газетаси Совет — Америка музокараларининг якунларини «СССР ўтказаётган тинч-тотув яшаш сиёсатининг тарихий ғалабаси» деб таърифлайди. «Нью-Йорк таймс» газетаси Совет Иттифоқининг халқаро позициялари янада мустаҳкамланди, деб уқтиради. Ҳатто Шпрингернинг «Ди вельт» газетаси ҳам Совет — Америка битимлари «Совет Иттифоқининг жаҳондаги обрў-эътиборини оширади» деб тан олишга мажбур бўлди.

Москвада имзоланган Совет — Америка ҳужжатларининг бутун бир туркуми орасида стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги битимлар дунё жамоатчилигининг жуда катта эътиборини ўзига тортди. Ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатлар Совет ва Америка халқларининггина эмас, бутун дунёдаги халқларнинг ҳам тўб манфаатларига мос бўлиб тушади, чунки бу битимлар иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта ядро запасларини янада кўпайтириш йўлига тўсиқ қўяди ва шу тариқа ядро уруши хавфини камайтиришга кўмаклашиб, ялпи қуролсизланиш сари силжиш истиқболини очади.

Чет эллардаги прогрессив матбуот Совет — Америка музокараларининг якунларини шарҳлаб, совет делегацияси Яқин Шарқ ва Вьетнам проблемалари хусусида изчил ва қатъий позицияда турганлигини, Совет Иттифоқи араб халқларининг одилона ишини муттасил қўллаб-қувватлаб келаётганлигини ва у Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан доимо бирдам эканлигини таъкидлаб ёзмоқда. Америка коммунистларининг газетаси «Дейли Уорлд» халқаро проблемаларга амалий ёндошиш билан бирга империализмнинг агрессив тажовузларига қатъиян зарба бериб келаётган совет ташқи сиёсатининг принципиаллигини тавсифлаб: «Совет Иттифоқининг позициясини» ҳеч қандай пинҳоний тил бириктиришга йўл қўйилмади» деган сўзлар билан якунлаш мумкин», — деб ёзади.

НАТО: реализм— догмаларга қарши

Ўтган ҳафтада Боннда НАТО кенгашининг сессияси тугади. Бу сессияда Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган 15 давлатнинг ташқи ишлар министрлари қатнашди. Сессия якунлари шундан далолат берадики, эндиликда НАТО қарорғоҳида ҳам энг муҳим халқаро проблемаларни империализмнинг миси чиққан «зўравонлик позицияси» сиёсати йўли билан эмас, балки реализм позицияларида туриб муҳокама қилиш ва ҳал этиш тенденцияси тобора ўзига йўл очмоқда.

Ҳамма кузатувчиларнинг фикрига қараганда, кейинги кунларда рўй берган иккита энг катта халқаро воқеа, у ҳам бўлса олий даражадаги раҳбарларнинг Москвада ўтказган Совет — Америка музокаралари ва СССР билан ҒФР ўртасидаги ҳамда Польша билан ҒФР ўртасидаги шартномаларнинг ратификация қилинганлиги НАТО кенгашининг бу сафарги сессияси руҳига таъсир қилди. Сессияда қабул қилинган ахборотда стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида Совет —Америка битимлари «халқаро ишончни кўп даража мустаҳкамлайди ва ядро уруши хавфини камайтиради» деб тан олинди. Сессия қатнашчилари Совет — Ғарбий Германия ва Польша — Ғарбий Германия шартномаларини «Европадаги кескинликни юмшатишга қўшилган ҳисса», деб баҳоладилар. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар таклиф қилган Умумевропа кенгашининг чақирилиши «кескинликни юмшатиш жараёнига қўшиладиган муҳим омил бўлиши лозим», деб таъкидланади. Халқаро вазиятда содир бўлган ва КПСС XXIV съездида ишлаб чиқилган совет ташқи сиёсатининг тинчлик программаси изчиллик билан муттасил амалга оширилаётганлигига бевосита боғланган чуқур ижобий силжишларни ва янги тенденцияларни энди НАТО раҳбарлари назар-писанд қилмасликлари мумкин эмаслигини Боннда эълон қилинган ахборот кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга НАТО кенгашининг сессияси кескинликни юмшатишдан манфаатдор бўлмаган муайян империалистик доирлар ҳали ўз ниятларидан воз кечмаганлигини ҳам кўрсатди. Давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш тенденцияси қайд этилган ўша Бонн ахборотининг ўзида НАТОнинг «мудофаа соҳасидаги куч-ғайратлари» давом эттирилсин, «ҳарбий программалар чекланмасин» деган эски даъватлари яна такрорланди.

Рейтер агентлиги НАТО кенгашининг Бонн сессияси якунларини шарҳлаб, сессия қатнашчилари орасида энг муҳим проблемаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга «турлича ёндошиш» тарафдорлари аниқ-равшан ажралиб қолганлигига алоҳида эътибор беради. Дарҳақиқат, Атлантика блокида сиёсий реализм тарафдорлари билан «совуқ уруш» замонларидаги догмаларнинг тарафдорлари ўртасида кураш бормоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ядро асримиз турли социал системали давлатлар ўртасидаги муносабатлар учун тинч-тотув яшаш, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишдан бўлак асос йўқ эканлигини яхши тушунаётган кучлар устунлик қилаётганлигини сессия якунлари кўрсатди. НАТО раҳбарлари ўзларининг Бонндаги декларацияларини қандай амалий иш билан юзага чиқаришларини келажак кўрсатади.

Нефть аждаҳоларига зарба

Ироқ Республикасининг президенти Аҳмад Ҳасан Бакр «Ироқ петролеум компании» деган нефть консорциуми давлат ихтиёрига олинганлигини 1 июнь куни маълум қилди. Бу нефть аждаҳоси 1925 йилдан бери шу мамлакатда иш кўриб келар эди. Дунёдаги энг катта нефть трестлари Англиянинг «Бритиш петролеум», Англия билан Голландиянинг «Ройял датч-шелл», Франциянинг «Компани франсэз де петроль» ва Американинг «Ниер ист девелопмент» компанияларидан иборат бу консорциум биринчи жаҳон урушидан кейин Ироқнинг ҳамма нефть бойликларини ўз қўлига киритиб олган эди.

Неча ўн йиллар давомида бу нефть аждаҳолари Ироқнинг «Қора олтинини» чиқариб олиб, беҳисоб фойда орттириб келдилар. Энди бунга чек қўйилди. Ироқ ҳукумати яқинда нефтдан олинаётган даромадларни адолатлироқ тақсимлашни кескин талаб қилди. Шундан кейин «Ироқ петролеум» нефть чиқаришни жуда камайтириб юборди. Натижада бу компаниянинг Ирак хазинасига берадиган маблағи анча қисқарди.

Лекин президент Бакрнинг ҳукумати дўқ-пўписадан чўчимади. Ҳукумат бу компания олдига ультиматум қўйиб, ўз талабларини қандай бажарилиши тўғрисида 1 июнгача жавоб берилишини кутиб турди. Корсорциум бу талабларни бажармаганлиги сабабли Ироқ ҳукумати «Ироқ петролеум компании» давлат ихтиёрига олишга қарор қилди.

Ироқ ҳукуматининг қарорини Ироқ жамоатчилиги маъқуллаб, қўллаб-қувватлади чунки Ироқ жамоатчилиги миллий бойликларнинг ажнабий монополиялар хамёнини қаппайтирмай, балки мамлакатнинг манфаатларига хизмат қилдирилишини талаб этиб келаётган эди.

В. СЕРОВ,
Ю. КОРНИЛОВ,
А. СТУПАК.

(ТАСС).

В. БРАНДТ АҚШДА

НЬЮ-ЙОРК, 5. ҒФР федерал канцлери В. Брандт қисқа муддатли визит билан АҚШга келди. Бугун у Гарвард университетида нутқ сўзлайди.

АНЖЕЛА ДЭВИС ОЗОД ЭТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. ТАСС мухбири Г. Зиборов хабар беради:

Сан-Хоседаги (Калифорния штати) Анжела Дэвис процессида суд маслаҳатчилари жюриси жасур америкалик қизга қўйилган барча айбларни асоссиз деб топишга ва унинг айбсизлигини эътироф этишга мажбур бўлди. Америка реакциясининг мард коммунист қиздан ўч олмоқчи бўлиб қилган уриниши шармандаларча барбод бўлди.

Суд амалдори жюри қарорини ўқиб бергач, судья Анжела Дэвис батамом озод этилганлиги ва унинг учун кафолатга берилган 102.50 доллар пул қайтариб берилиши тўғрисида фармойиш берди.

Анжела Дэвис табассум билан суд ҳовлисига чиқди. Бу ерда уни озод этиш учун олиб борилаётган кураш активларидан 40 га яқин киши кутаётган эди. Улар А. Дэвисни олқишлар билан кутиб олдилар. «Бу кун менинг ҳаётимда саодатли бир кунгина эмас, — деди А. Дэвис. — АҚШда ва бутун дунёнинг ҳамма ерида мени озод этиш учун курашганларнинг ҳаммаси менинг озод бўлганим биз эришадиган мақсадларнинг намунасигина эканлигини биладилар, деб ишонаман. Биз барча сиёсий маҳбуслар озод этилиши учун курашамиз».

Мард коммунист қиз жабрзулмга қарши курашимни давом эттиравераман, деди.

Сан-Хоседаги суд ҳукми Анжела Дэвисни озод этиш учун узоқ вақт олиб борилган машаққатли курашда Америкаларнинг ва жаҳоннинг прогрессив жамоатчилиги ғалаба қозонганлигини билдиради.

Калифорния штатининг маъмурлари коммунист қиздан ўч олмоқчи бўлиб ҳамма чораларни кўриб чиқдилар. Шармандали суд процесси 13 ҳафта давом қилди. Унинг учун 97 та «айблов гувоҳлари» ва кўпдан-кўп «далиллар» тайёрланди. Суд процессига 800 минг доллар пул сарфланди.

Сурия Хомс шаҳрида азот ўғитлари заводи ишга туширилди. Совет мутахассислари лойиҳаси билан қурилган бу корхона СССР, ЧССР ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Юқоридаги суратда заводнинг ишга туширилиш пайтидаги митинг тасвирланган. Ўртадаги суратда Болгариядаги атом электр станцияси қурилиши акс эттирилган. Станция қурилганидан кейин йилига 6 миллиард киловатт соат электр қуввати берадиган бўлади. Атом электр станциясини лойиҳалаш ва қуришда Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда. Пастдаги суратда эса Белфаст кўчаларидан биридаги аҳволни кўриб турибсиз. Инглиз солдатлари маҳаллий аҳоли билан олишувга шай бўлиб туришибди.

ТАСС фотохроникаси.

В. И. ЛАЗУНОВ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Владимир Иванович Лазунов узоқ давом этмаган оғир касалликдан кейин вафот этди.

В. И. Лазунов 1910 йилда ишчи оиласида туғилди. 1935 йилда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тамомлаб чиқди.

Шундан кейин у СоюзНИХИнинг илмий ходими, «Ташсельмаш» заводининг конструкторинженери бўлиб, сўнгра қишлоқ хўжалик машиналари институтя кафедрасида ишлайди, қишлоқ хўжалиги учун зўр ғайрат билан малакали мутахассислар тайёрлайди.

В. И. Лазунов қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва хусусан пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида ишлаб турган етакчи олимлардан бири эди. У қишлоқ хўжалиги машиналарини конструкциялаш назариясини, суғориладиган деҳқончилик учун чиқарилган замонавий машиналардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқди.

Владимир Иванович фидоёнона меҳнати билан фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба муваффақиятларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши практикасига жорий этиш ҳамда уни пропаганда қилишга салмоқли ҳисса қўшди. У кўпгина ихтиролар ва 60 дан кўпроқ илмий асарларнинг муаллифидир. Бу ихтиролар ҳамда илмий асарлар қишлоқ хўжалик машиналари конструкциясини янада такомиллаштиришга қаратилган эди ва студентлар, инженерлар, конструкторлар учун доимий қўлланма бўлиб қолди.

В. И. Лазунов кўпгина илмий ва фан кенгашларининг аъзоси, «Пахтачилик механизатори» журнали редколлегияси ва институт нашр этган илмий асарлар тўпламлари редколлегиясининг аъзоси эди.

Партия ва ҳукумат В. И. Лазуновнинг кўп йиллик самарали ва кўп қиррали таълим-тарбия, илмий-тадқиқот, ижодий фаолиятига юксак баҳо бердилар. У «Ҳурмат белгиси» ордени, медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди. Унга «Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори» ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» фахрий унвонлари берилган эди.

Улкан олим, меҳнатсевар инсоннинг ёркин хотираси унинг ўртоқлари, шогирдлари, олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗИЯДАГИ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 — МОСКВА. 12.35—Янгиликлар. 12.45 — Спорт алифбеси. 13.15 — Цивилнинг саргузаштлари (бадиий фильмнинг 1-2-3 серициялари). 14.45 — Мамлакатимиз далаларида. 15.00—Шахмат мактаби. 17.55 — Тошкент. 18.00 — Пионерларнинг шонли шуҳрат эстафетаси. 18.40 — «Светафор» эстрада ансамблининг концерти. 19.20 — Ахборот. 19.35 —Бир актёр театри. Келинчак. 20.05 — Халқ контроли экрани. 20.35 — Ахборот. 20.50 — Чолғу куйларидан концерт. 21.35—Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 22.00 —«Вақт». 22.30 — Жиноят ва жазо (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — МОСКВА. 17.55 — Янгиликлар. 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.45 — «Гигант» совхозининг етти куни. 19.00 — «Здоровье» 19.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 20.00 — Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 22.00 — Тошкент. Яшил бойлигимиз. 22.30 — Адабий кўрсатув.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Концерт. 20.30 — НОТ — Ўзбекистон қурилишларида. 21.00 — Бўрилар ва ўйлар (бадиий фильмнинг 1-серияси).

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт. 8.25 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Москва. «Ер ва эл» радиожурнали. 10.25 — Ўзбек операларидан парчалар. 11.15 — «Фарғоналиклар шонли юбилейга». Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсуддинов сўзи. 11.30 — М. Ашрафий. Тожик рақс сюитаси. 11.45—«Индустриалчи Фарғона». 12.15 — «Партия—бахтимиз» (радиокомпозиция). 13.30—Чорвадорлар мусобақа илғорлари. 13.30 — В. Вуячч ва Бутуниттифоқ радиоси концерт-эстрада ансамблининг концерти. 14.00 — Қиёфаси ўзгарган ер. 16.10 — С. Мамажонов. Зайнаб билан учрашув (радиоқиқоя). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Фарғоналикларнинг меҳнат вахтаси». (русча). 18.10 — Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу оркестрининг концерти. 18.40 — Спорт эшиттириши. 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Ефлик» радиостанцияси микрофони олдида ёш фарғоналиклар. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 21.50 — «Саломатлик — туман бойлиги». 22.15 — «Нодир ёзувлар». К. Мўминов ижро этган қўшиқлар. 22.40 — Микрофон олдида — Фарғона шоирлари. 23.10 — Фарғона области меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/VI да Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти (кундузи). Севилия сартароши.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 7/VI да Ажаб савдолар, 8/VI да Ешликда берган кўнгил, 9/VI да Лаҳма.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ромео ва Жульетта (2 серия)— «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Республика мулки — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Запасдаги офицер — НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Польша альбоми — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Уч мушкетёр — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Эль Греко — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

«Правда» газетаси Тошкент бўлимининг партия ташкилоти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи, «Известия» нашриётининг Тошкент бўлими мудири

Александр Степанович БОРИСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдирадилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг ректорати, партия комитети, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, доцент

Владимир Иванович ЛАЗУНОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласи ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700,000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330,633. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333489, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги— 337604, Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари —334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка— 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро— 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 54—01, Ўрганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 131. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02503.